

Саҳиҳул Бухорийнинг муҳтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 8-ҳадис

8- 53- عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: إِنَّ وَفْدَ عَبْدِ الْقَيْسِ لَمَّا أَتَوْا النَّبِيَّ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ.. قَالَ: «مَنِ الْقَوْمُ؟ أَوْ مَنِ الْوَفْدُ؟» قَالُوا: رَبِيعَةُ، قَالَ: «مَرْحَبًا بِالْقَوْمِ - أَوْ بِالْوَفْدِ - غَيْرُ حَزَارَا يَا وَلَا نَدَامِي».«.

فَقَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ إِنَّا لَا نَسْتَطِعُ أَنْ نَأْتِيكَ إِلَّا فِي الشَّهْرِ الْحَرَامِ، وَبَيْنَا وَبَيْنَكَ هَذَا الْحَيُّ مِنْ كُفَّارٍ مُضَرَّ، فَمُرِنَا بِأَمْرٍ فَصَلِّ نُخْبِرْ بِهِ مَنْ وَرَاءَنَا، وَنَدْخُلْ بِهِ الْجَنَّةَ، وَسَأْلُوهُ عَنِ الْأَشْرِقَةِ، فَأَمْرَهُمْ بِأَرْبَعٍ، وَتَهَاهُمْ عَنْ أَرْبَعٍ:

أَمْرَهُمْ بِالْإِيمَانِ بِاللَّهِ وَحْدَهُ، قَالَ: «أَتَدْرُونَ مَا الْإِيمَانُ بِاللَّهِ [وَحْدَهُ]؟» قَالُوا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ، قَالَ: «شَهَادَةُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَإِقَامُ الصَّلَاةِ، وَإِيتَاءُ الرِّكَابِ، وَصِيَامُ رَمَضَانَ، وَأَنْ تُعْطُوا مِنَ الْمَعْنِ الْخُمُسَ».«.

وَتَهَاهُمْ عَنْ أَرْبَعٍ: عَنِ الْحَنْثِمِ، وَالدُّبَاءِ، وَالنَّقِيرِ، وَالْمُرْقَفِ - وَرِيمَا قَالَ: الْمُفَيَّرِ - .

وَقَالَ: «اْحْفَظُوهُنَّ، وَأَخْبِرُوا بِهِنَّ مَنْ وَرَائُكُمْ».«.

8-53. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Абдулқайс вакиллари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келганда, у зот: **«Бу одамлар ким [ёки бу вакиллар ким]?**» дедилар. «Рабийъа», дейишди.

У зот: **«Эй вакиллар [ёки эй одамлар], бехижолат ва бенадомат хуш**

келдингиз!» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! Биз олдингизга ҳаром ойлардагина кела оламиз, ўртамиизда Музар коғирларининг манави қабиласи бор. Шу боис бизни қатъий бир ишга буюрингки, уни ортимиздагиларга етказайлик ва шу сабабли жаннатга кирайлик!» дейишди ва у зотдан ичимликлар ҳақида сўрашди. Шунда у зот уларни тўрт нарсага буюриб, тўрт нарсадан қайтардилар. Уларни ёлғиз Аллоҳга иймон келтиришга буора туриб: **«Ёлғиз Аллоҳга иймон келтириш нима эканини биласизларми?»** дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчиdir», дейишди. У зот: **«Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Мухаммад Аллоҳнинг Расулидир», деб гувоҳлик бериш, намозни барпо тўқис адо қилиш, закот бериш, Рамазон рўзасини тутиш ва ўлжанинг бешдан бирини беришингиздир»**, дедилар. Тўрт нарсадан – ҳантам*, дуббо*, нақийр* ва музффатдан* – (Ибн Аббос) баъзида «муқайяр»* деган – қайтардилар. У зот: **«Буларни эслаб қолинг ва ортингиздагиларга бунинг хабарини беринг»**, дедилар».

* Хумус – ўлжанинг бешдан бири.

* Ҳантам – лой, жун ва қон аралашмасидан ясаладиган хум.

* Дуббо – қуритиб, ичи ўйилган қовоқ.

* Нақийр – қуритиб, ичини ўйиб, идиш ясалган хурмо илдизи тўнкаси.

* Музффат – зифт билан бўялган идиш. Меш ва саноч каби идишларни сув ўтмайдиган қилиб мустаҳкамлаш учун ишлатиладиган елимсимон қора модда зифт деб аталган.

* Муқайяр – қийрланган идиш. Қийр бир ўсимлик бўлиб, қуритиб куйдирилган ва ундан олинган модда билан идишлар мустаҳкамлаш мақсадида бўялган. Аслида «муқайяр» билан «музффат» битта нарса, яъни бир хил идиш. Шунинг учун Ибн Аббос розияллоҳу анху гоҳида «музффат» сўзи ўрнига «муқайяр» сўзини ишлатар эди.

Изоҳ: Бу ҳадисда мазкур идишлардан қайтаришнинг маъноси уларда набиз тайёрлаб ичишдан ман қилишdir. Чунки уларда тайёрланган набиз маст қилиш хусусиятига эга бўлган. «Набиз» деб хурмо, майиз каби қуруқ меваларни сувга ивитиб, хамрга айланмай туриб истеъмол қилинадиган ивитмага айтилади. Агар унинг вақти ўтиб кетса, хамрга, яъни маст қилувчи ичимликка айланиб қолади.



NUBUVVAT MARVARIDLARI